MILLIY KITOB PALATASI

2007 йил. 16 май, чоршанба.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

20 (403)-сон

Сотувда эркин нархда.

Ислоҳот фидойилари

БУГУНГИ ЭЛЛИККАЛЪА



Элликқалъа туманининг нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда ҳам алоҳида ўрни бор. Бугун бу ерда бўлган киши бундан бир неча йил муқаддам ушбу замин чўлдан иборат эканлигига ишониши қийин.

Яқинда ташкил этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаган Элликқалъа тумани меҳнаткашлари ўтган даврда барча соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда. Саҳро қўйнида замонавий Бўстон шаҳри барпо этилди.

Бу ерда барча соҳаларда ўзига хос мактаб яратилган десак, муболаға бўлмайди. Масалан, асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигини олайлик. Пахтачиликда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги боис, ҳар қандай об-ҳаво шароитидан қатъий назар давлатга «оқ олтин» сотиш шартнома режаси ҳар йили ошириб бажариб келиняпти. Галлачилик, боғдорчилик, чорвачилик соҳаларида ҳам шундай ижобий аҳволни кўриш мумкин. Пировардида тармоқдан олинаётган соф фойда миқдори ҳам йилдан-йилга ортиб бораяпти. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш имкониятини бермоқда.

Айни пайтда туман қишлоқ хўжалигида ҳукуматимиз ёрдамида йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, маҳсулдорликни янада ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зах сувларни Орол денгизига олиб бориш бўйича қиймати 35 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ишларни бажариш кўзда тутиляпти. Кенг кўламдаги бу ишлар ниҳоясига етгач, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий қисмидаги 100 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Туманда айни пайтда бир неча қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. «Элтекс» тўқимачилик корхонаси ушбу заминда етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. «Юнивер» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган маҳсулотларнинг юз фоизи Европа давлатларига ва АҚШга экспорт қилинмоқда. «Медикал коттон интернейшнл ЛТД» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

Бўстон шаҳридаги академик лицей, санъат, тиббиёт коллежи ва учта касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар касб эгалламоқда. Ёшларнинг узоққа бориб таълим олмаслиги учун уларга туманнинг ўзида барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий ўқув масканларида бўлган киши бунга шоҳид бўлиши шубҳасиз. Худди хориж давлатларидаги каби кенг ва ёруғ аудиториялар, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ўқув қуроллари мавжуд.

— Ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, маданият ва спортни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди туман ҳокими Неъматилла Худойбергенов. — Яқинда Бўстон шаҳрида ҳудуди тўрт гектардан иборат «Иҗодкорлар боғи» барпо этилди. Шунингдек, туман ҳududidaги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсинқалъа ва бошқа ўнлаб қадимий қалъаларни сайёҳлар ташриф буюрадиган жойларга айлантириш борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУЖЖАТ НОМИ АНИҚЛИКНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция ва Марказий кенгаш аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фракция йиғилишида парламент қуйи палатаси ялпи мажлисига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С. Жабборов «Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Таъкидландики, қонун лойиҳаси илгаригисидан бирмунча ихчамлаштирилган. Шунингдек, янги қонун маъмурий ва давлат идоралари фаолиятини тартибга солади. Қонунни тайёрлашда ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди. Фракция аъзолари Қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилдилар. Айниқса, унинг номидаги «таомиллар» сўзи юзасидан турли фикрлар билдиришди. Мунозараларда депутатлардан Олимжон Ўсаров, Абдурашид Тўхтабоев ва Марказий кенгаш аъзоси Лола Саидова ўз мулоҳазаларини айтишди.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Шунингдек, фракция йиғилишида «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил этилганлигининг 12 йиллиги муносабати билан уни нишонлаш бўйича партия Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Фракция аъзолари ушбу масала юзасидан ҳам ўз таклифларини билдиришди.

Фракция йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Раёсат йиғилиши

ЯНГИ ҚОНУН, ЯНГИ ВАЗИФА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши Раёсати аъзолари ва Марказий кенгаш ходимлари иштирок этди. Йиғилишни Марказий кенгаш раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Раёсат йиғилишида бир неча муҳим масалалар муҳокама этилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан партия Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг олдида турган вазифалар ҳақида Марказий кенгаш раиси Х. Дўстмуҳамедовнинг маърузаси тингланди. Таъкидландики, Конституциявий қонун 2008 йилнинг 1 январидан кучга кириб, сиёсий партиялар мавқеининг ошишига, ваколатининг кенгайишига хизмат қилади.

Шу боис, партия қонундан келиб чиқадиган вазифалар ва ўз фаолият йўналишларини белгилаб олиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда ўз Устави ва Дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан партия дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш, Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш юзасидан йўриқнома тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Эндиги вазифа ушбу гуруҳлар белгиланган йўналишлар бўйича лойиҳалар тайёрлаши ва уни вилоят кенгашларига юбориш керак.

Партия Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Хайринисо Мирзажонова Марказий кенгашнинг 2007 йил 3 апрелда бўлиб ўтган Раёсат йиғилиши қарорларининг бажарилиши, партия байроғининг эскизи бўйича ҳисобот берди. Шундан кейин Марказий кенгаш бўлим бошлиқлари Танзира Холтоева ва Саёҳат Ибрагимоваларнинг Тошкент ҳамда Фарғона вилоятлари кенгашлари фаолиятларини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Яқинда ЎзМТДП ташкил этилганига 12 йил тўлади. Ушбу санани нишонлаш тўғрисида Марказий кенгаш бўлим бошлиғи Акбар Эшмуродов ахборот берди. Шунингдек, Раёсат йиғилишида партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Китоб ва биз

У ШУНДАЙ ЖАВОҲИРКИ...

шуъласи қалбларни ёритур!

Бобом оддий деҳқон бўлиб, пешонасига оқ қийиқча боғлаб эрта-ю кеч ер чопардилар. Мен эса уват четига ўтириб, у кишига савол ёғдиришни хуш кўрардим. Кетмонларига суяниб, саволларимга бирма-бир жавоб бераётганларида: «Билмаган нарсалари йўғ-а», — деб ўйлардим.

— Ҳамма нарсани қаердан ўрганганисиз-а? — деб сўрадим бир куни.

— Ҳикмат сандиғим бор, нимани хоҳласам, ўша сандиқни очаману билиб олавераман.

— Менгаям ўшанақа сандиқ оберинг. Кичкина бўлсаям майли.

— Одобли, ақлли қиз бўлсанг, катта сандиқ олиб бераман, — дер эдилар бобом.

Ўша йилларда мен уйимиз тўрида турадиган, калитини бураса жаранглаб очиладиган сандиққа ҳавас билан қарардим. «Қачондир бобом менга шунақа сандиқ оберадилар, сўнг мен ҳамма нарсани билгич бўламан», — деб орзу қилардим.

Кунлардан бир куни ўша сандиқнинг «сири» очилди. Ўшанда бобом бетоб эдилар. Энамни чақириб нимандир сўрадилар. Энам уй тўридаги сандиқни очдилар. Мен ҳам ёнларига югуриб бордим. Шунда кўзим тушди: сандиқнинг бир четида аскарликдаги тоғамдан келган хатлар тартиб билан жойланган, бошқа четида эса белбоққа ўралган бир нечта китоблар бор эди. Ҳафсалам пир бўлди. «Бу оддийгина сандиқ экан-ку», — деб ўйладим. Энам сарғайиб кетган китоблардан бирини олиб бобомга тутқазди.

— Бобожон, сандиғингизда китобдан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку, — дедим шоша-пиша.

— Ҳамма ҳикмат мана шу китобда, қўзичоғим, — дедилар бобом кулиб. — Сенга айтиб берган эртак ва ривоятларни шу китоблардан ўқиб билганман. Агар сен ҳам китобларни яхши кўрсанг, менга ўхшаб ҳамма нарсани биладиган бўласан!

Китобга меҳр ўшандаёқ қалбимга жо бўлган экан, энди ўйласам.

* * *

Автобус ўриндиғида берилиб китоб ўқиб кетаётган қизни кўриб дилим ёришди. Яқин вақт ичида кўча транспортида қўлига китоб ушлаган ёшларни деярли учратмагандим. Автобус навбатдаги бекатда тўхтагач, унинг орқа эшигидан икки қиз чиқди ва кимнидир қидиргандек бўлишди. Сўнг китоб ўқиётган қизга кўзлари тушиб, олдинга силжишди. «Нилу!», — деб чақирди улардан бири. Қиз дугоналарини кўриб жилмайди.

— Нимани ўқияпсан, жуда берилиб кетибсанми?

Қиз тиззасидаги китобга ишора қилиб, секингина деди:

— Кеча қўшни қиздан бир кунга деб сўраб олувдим. Анавинақа жойлари бор экан-да.

Қизлар бир-бирига сирли имо қилиб кулишди.

— Кейин бизларгаям айтиб берасан-а? Хўш, қизлар, қайси бекатда тушамиз? Тўй ҳам ўрталаб қолгандир? Дили қанақа келин бўлганикин? Эшитишимча, онаси унга нақ ўн дона тилла тақинчоқ совға қилармиш!

Яна икки бекатдан сўнг автобус бир силкиниб тўхтади. Қизлардан бири сумкасини елкасига иларкан:

— Қизлар, эшик томон сурилайлик, ҳозир тушамиз, — деди.

— Нилу, анави тиззангдагини сумкангга тиқ, тағин қўшни қиздан балога қолмагин. Вой, узугинг бунча чиройли, кеннойингникими?

Улар шошиб-пишиб автобусдан тушишди. Мен эса уларнинг ортидан қараб қоларканман, ғалати аҳволга тушдим. Тавба, бу қизларнинг фикру ўйида нуқул ялтир-юлтир. Худди ҳаётнинг мазмуни шундан иборатдек!

Уйимизга яқин жойда автобусдан тушгач, йўлак бўйлаб юра бошладим. Шунда ёнгинамда кетаётган қизларнинг гап-сўзлари қулоғимга чалинди:

— Китобни кеча ярим тунгача ухламасдан ўқидим. Ажойиб экан, — деди уларнинг бири. — Раъно, Анвар... Иккисининг ҳаёти ўта таъсирли қилиб ёзилган-а?!

— Ҳа. «Ўткан кунлар»ни ўқисанг, ҳайратинг бундан ҳам ортади. Биласанми, яқинда шу китобни яна бир карра ўқиб чиқдиму гўё бошқа дунёда яшагандай бўлдим.

Икки қиз янги асарлар ҳақида қизғин сўзлашиб кетдилар. Мен уларнинг суҳбатидан завқландим, шу иккала дугонага жуда ҳавасим келди.

* * *

Қишлоғимиздаги Ҳамдам бобо бошидан ўтганларни гапириб бераётиб, шундай деганди:

— Айни йигитлик чоғларимда ҳайдовчилик гувоҳномасини олдиму раиснинг машинасини ҳайдай бошладим. Хўжайиннинг ажойиб фазилати бор эди. Қаерда китоб дўконини кўрса, кириб, эринмай айланар, янги чиққан китоблардан харид қилиб, машина орқасига тахларди. Ўзи бўш қолди дегунча мутолаага берилар, мениям шунга ундарди. Аввалига парво қилмадим. Бир куни мажлисга кириб кетаётганларида: «Икки соатларча бўшсан, вақтни бекорга ўтказмай, манави китоблардан бирини ўқиб ўтир, кейин фикрлашамиз, хўпми?», — деди. Айтганини қилдим. Ҳалиги китобни шунақа мириқиб ўқибманки, вақт қандай ўтганини сезмабман. Шу-шу китобга ишқим тушди. Қўлимдан қўймайдиган бўлдим.

Дунёга, ҳаётга муносабатим ўзгарди. Ўзим ҳам буткул янгича инсонга айланиб қолгандек эдим. Йиллар ўтиб раис кексайди, мени ўзига ёрдамчи қилиб олди. Нафақага чиққанларидан сўнг ўринларига раис бўлдим. Эл-юрт билан тиллашиб, анча вақт шу лавозимда ишладим, обрў-эътибор орттирдим. Қаранг, китобга меҳр қўйиб, ахийри оддий ҳайдовчиликдан раҳбарлик даражасигача кўтарилдим. Китоб туганмас жавоҳир хазинаси эканки, қанча сарфлаганинг билан асло камаймайди, қайтанга қадри ошаверади.

Қанийди, барчамиз бир-бировимизни китоб ўқишга ундаб яшасак!

* * *

Яқинда Самарқандга борганимда ўзим ўқиган мактаб ўқувчилари билан учрашдим. Турли мавзулардаги суҳбатимиз қизиб кетди. Ўқувчиларнинг қанақа китоблар ўқиётганликларини суриштирдим. Улар биттама-битта санай кетишди. Жавобларидан қониқдим.

Учрашув сўнгида шу мактабнинг юқори синф ўқувчиси Гўзал Мамирова «Китоб ўқиётган қизга» сарлавҳали шеърини ўқиб берди:

Диққатинг жалб
этган қай мавзу, қай сир,
Мен сени кузатиб
турибман атай.
Шу топда гўёки вужудинг
яйраб,
Чехранг ҳам ёришиб
бораётгандай!
Китоб мўъжизадир,
Китоб — сеҳргар,
У барча дилларга
зиё сочади.
Киши не йўқотса,
Нени истаса,
Фақат шу китобдан топади!

Дарҳақиқат, шундай. Китоб саодатли манзилларга элтгувчи маёқдир, унинг шуъласи нафақат йўлларимизни, балки кўнгилларимизни ҳам ёритиб туради.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Тилга эътибор — элга эътибор

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

2005 йилдан бери Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» ҳамда «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорлигида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Давлат тили — фахримиз» иншолар танлови ўтказилиб келинмоқда.

Ушбу танловдан кўзланган мақсад — давлат тилимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, ўзбек тилини давлат тили, иккинчи она тили сифатида эъзозловчи бошқа миллат ёшларининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбия топишларига кўмаклашишдан иборат.

Бу йил ҳам мазкур танловнинг ташкил этилганлиги кўпчиликни қувонтирмоқда. Ҳозирги кунда унинг иккинчи босқичи якун топди. Танловнинг мактаб ва туман босқичини ўтказишда партиянинг Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳар кенгашлари фаоллик кўрсатди.

Акмал РЎЗИТОЕВ.

Тадбир

БОЛАЛАР КАМАЛАГИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ташаббуси ва "Дурбону плюс" масъулияти чекланган жамияти, Тошкент ҳайвонот боғи ҳамкорлигида пойтахтимизда жойлашган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун "Болалар камалаги" лойиҳасини ташкил этди.

Болажонлар камалакнинг етти ранги бўйича етти жамоага бўлиниб олдилар. Жамоаларни фарқлаб олиш учун етти рангдаги қўл бойлоғичлар берилди.

Тадбир сўнгида ёш эстрада хонандалари иштирокида катта концерт бўлиб ўтди. Ғолиб жамоалар Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирландилар.

Ана шундай хайрли тадбирлардан яна бири Мирзо Улуғбек туманидаги 105-ёрдамчи мактаб-интернатида ҳам бўлиб ўтди.

Нодира НИЗАМОВА,
"Бунёдкор" ёшлар телеклуби ходими.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланишсиз келажак йўқ» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Деҳқонобод туман кенгаши томонидан «Хотиранг ҳамиша қалбимизда» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши ташаббуси билан «Фахрийлар — фахримиз» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ташкил этилди. Шунингдек, бу санага бағишланган тадбирлар ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамда Самарқанд вилоят кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Наманган шаҳар ижтимоий таъминот ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда «Ишонч олға етаклар» мавзуида бадиий-мунозарали кеча уюштирди.

* * *

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Қаҳҳор ёққан чироқлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши томонидан ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда «Сен доимо қалбимдасан» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

"Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, фуқаролик жамиятини ташкил қилиш ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга ҳам катта эътибор бераётир. Бунинг учун партия кенгашлари аъзоларининг фаоллигини ошириш юзасидан қатор тадбирларни амалга ошираяпти.

ҲАММАСИ ЖОНКУЯРЛИККА БОҒЛИҚ

Яқинда Фарғона вилоят ҳамда бир неча туманлар халқ депутатлари кенгашига сайланган депутатларнинг партия гуруҳлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Унда юртимиз сиёсий ҳаётида, қонунда белгиланганидек, аҳоли манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги ва улардан тушаётган таклиф ва арзномаларнинг ижролари қай тарзда ҳал этилаётганлиги муҳим масала сифатида кўриб чиқилди.

Айтиб ўтиш жоизки, бу борада анча ижобий ишлар амалга оширилган. Айниқса, 45-Варзак сайлов округидан сайланган, "Халқ сўзи" газетасининг вилоят мухбири Набижон Собиров етакчилигидаги вилоят халқ депутатлари кенгашидаги депутатлар гуруҳи самарали натижаларни қўлга киритаётир. Улар ўзлари тасдиқлаган қатъий режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Сайловчиларни қабул қилиш кунлари режаси тузилган бўлиб, таклиф ва мулоҳазалар махсус дафтарда қайд этилиб, уларни амалга ошириш чоралари кўрилаяпти. Хайрли тадбирларни амалга оширишда ҳомийларнинг ҳам ёрдамидан унумли фойдаланиляпти. Аммо ишонч телефонларининг йўқлиги, депутатлар ҳақидаги бурчакларнинг ташкил этилмаганлиги фаолиятнинг бироз сустлашувига олиб келмоқдаки, зудлик билан бу камчиликларни бартараф этиш зарур. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда мақсад ва вазифаларимизни аҳолига етказишда чиқишлар қилишни кўпайтириш лозим.

Ўзбекистон туманидан халқ депутатлари вилоят кенгашига бир нафар, туман кенгашига тўққиз нафар партиямиз аъзолари депутат қилиб сайланган. 23-"Яккатут" сайлов округидан сайланган депутат — 18-мактаб директори Йўлдошали Исмоилов туман депутатлик гуруҳига раҳбарлик қилади. Гуруҳ туман кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ўтказилаётган барча тадбирларда иштирок этаяпти. Бироқ бу ерда ҳам юқоридаги кўрсатилган камчиликлар мавжуд. Масалан, яқинда қабул қилинган Конституциявий қонун тарғиботи етарли даражада эмас. Партия гуруҳи ёки алоҳида депутатлар ўтган даврда аниқ бир ташаббус ва таклиф билан чиқмаган. Аъзолик бадалларини йиғиш тартиби ўрнатилмаган. Вилоят кенгашидан олинган 200 дона партия билети ўз эгаларига тўлиқ тарқатилмаган.

Шунингдек, Риштон тумани кенгашига уч нафар партия аъзоси депутат этиб сайланган. Бу ерда депутатлар гуруҳига раҳбарлик қилиш "Риштон ҳақиқати" газетасининг бош муҳаррири Ҳамиджон Бурҳонов зиммасига юклатилди. Унга кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, партияга аъзо бўлган 110 нафар фаолга билетларни ўз вақтида топшириш масаласига жиддий ёндашув масъулияти ишониб топширилди.

Бош мақсадимиз — миллий манфаатлар замиридаги янги ўзбек давлатчилигининг асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш йўлида халқни сафарбар қилишдан иборат экан, партиямиз аъзолари ва фаолларидан ишчанликни, жонкуярликни, ташаббускорликни, шижоатни талаб қилиб қоламиз. Чунки сиёсат майдонида сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

«МАҲОРАТ – 2007» КЎРГАЗМАСИ

Умумтаълим мактабларидаги 9-синфни битираётган ёшларни академик лицей, касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда таълим муассасалари ўқув устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бадиий буюмларни намойиш қилиш мақсадида Тошкент вилоятида «Маҳорат — 2007» II-кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазмага вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 4500 дан ортиқ 9-синф битирувчилари, умумтаълим мактабларининг 750 нафарга яқин психологлари, битирувчи синфларнинг раҳбарлари, 500 нафарга яқин ота-оналар ташриф буюришди.

Кўрик-кўргазма натижаларига кўра, Чирчиқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биринчи ўринни эгаллади. Бекобод саноат касб-ҳунар коллежи иккинчи ўрин ҳамда Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи учинчи ўринни қўлга киритди. Голиблар муносиб рағбатлантирилди. Шу билан бирга, кўргазмада вилоятдаги ўнта касб-ҳунар коллежи бир қатор номинациялар бўйича мукофотларни қўлга киритди.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ХОНҚАГА ЎҚИШГА БОРИНГ

Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу бахтиёр ёшларни кўриб ҳавасингиз келади. Улар оддий болалар эмас — Хонқа маиший хизмат коллежининг ўқувчилари, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари. Ҳар бирининг билим олишга, касб-ҳунар эгаллашга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга иштиёқи баланд. Ота-оналари, яқинлари уларни шундай илм кошонасида таҳсил олаётганликларидан қувонишади. Устозлари эса уларга касб-ҳунар кўникмаларини қунт билан ўргатаётганликларидан тўлқинланишади. Ахир, шундай замонавий илм кошоналари-ю улардаги шарт-шароитлар, қулай имкониятлар яқин-яқингача кимнинг тушига кирибди дейсиз. Мустақилликнинг меваси, Юртбошимизнинг ёшлар келажагига бўлган катта эътиборининг шарофати бу.

— Кучли ва буюк давлат, юксак даражада ривожланган демократик жамият қуриш йўлидан бораётган жонажон Ўзбекистонимизда истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш энг устувор вазифалардан бирига айланди, — дейди Хонқа маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Гулсара Аҳмедова. — Уни изчил амалга ошириш учун ўзимизга хос ва мос кадрлар тайёрлаш миллий моделимизни яратдик. Унга мувофиқ, бутун мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар таълими жорий қилинди. Бу билан таълим соҳасида янги йўналиш юзага келди. Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатини, билим ва кўникмаларини ривожлантириш билан бирга, ўзлари танлаган соҳалар бўйича замонавий касбларни эгаллаш имконияти вужудга келди. Зеро, ўз фарзандларимизни илм, ҳунарли қилиб камолга етказиш миллатимизга хос бўлган фазилатлардан биридир. Ахир, яхши касб ёки ҳунарнинг эгаси бўлиш қайси инсонга зийнат бағишламайди, дейсиз?

Ўқув юртимизнинг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Ишчан жамоамиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги қизғин саъй-ҳаракатлари билан олдинда бормоқда. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё этилганлиги ўқувчи ёшларимизнинг пухта билим олиб, ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқини янада кучайтирмоқда. Уларни ўткир салоҳиятли, ҳар томонлама етук касб эгалари қилиб тарбиялашдек шарафли ишнинг зиммамизга юклатилганлигидан мамнунмиз. Бу олижаноб ишдан бор куч-ғайрат, билим ва маҳоратимизни, тажрибамизни аямаймиз.

Ҳозир коллежда тикувчилик, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, офис фаолияти, менежмент, ҳуқуқ ва хўжалик фаолияти, молия, котиба-референт йўналишлари бўйича 896 нафар талаба таҳсил олмоқда. 42 нафар ўқитувчи билан 16 нафар муҳандисдан иборат педагогик жамоа фан ва касб сирларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Ўзининг фидойилиги, жонкуярлиги билан катта обрў-эътибор қозонган Полвонназар Сетимов, Гулчеҳра Бекчонова, Гулчеҳра Аширова, Замира Юсупова, Нигора Матниёзова, Марямжон Мавлонова, Равшан Ҳамраев, Зулхумор Отажонова, Султонбой Раҳимов каби тажрибали мураббийлар ёшлар камоли учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Жамоатчи, аъло ўқиши билан ўқувчилар коллежнинг фахрига айланган. Улар илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш билан биргаликда, турли олимпиада ва кўрик-танловларда иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Ишбилармон ўқувчи» республика кўрик-танловида 47-хўжалик ҳуқуқи талабаси Севара Бейметова биринчи ўринни эгаллади. «Шахс ва жамият» фани бўйича ўтказилган вилоят олимпиадасида 43-гуруҳ талабаси Моҳира Жуманиёзова республикада фахрли ўринлардан бирини қўлга киритди. ЭҲМ ва дастурлаш бўйича ташкил этилган олимпиадада эса 49-гуруҳ талабаси Талгат Ильясов вилоят касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ғолиб деб топилди ва «Иқтидорли ўқувчилар»нинг кичик олимпиадасига аъзо бўлди.

Илм масканида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун замон талабларига жавоб берадиган кутубхона, яъни ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятини намунали олиб бормоқда.

— Кейинги йилларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди, — дейди Гулсара Аҳмедова. — Спорт тўгаракларида ҳозир «Баркамол авлод» мусобақасининг барча турлари бўйича туман биринчилиги ниҳоясига етмоқда.

Ўқувчиларни ҳунарга ундаш, олган назарий билимларини амалиётда давом эттириш ва синаб кўриш мақсадида, аввало, улар учун яратилган шарт-шароитни ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги кунда қизларимиз замонавий тикув машиналаридан, ёш технологларимиз Польша кредити ҳисобига келтирилган жиҳозлардан унумли фойдаланаётганликлари мамнун чеҳраларида зоҳир бўлмоқда.

Коллежда 2004 йилдан буён таълим-тарбия жараёни билан бир қаторда, «Халқ университетлари немис уюшмаси» ваколатхонасининг грант лойиҳаси амалга ошириб келинаётганлиги жамоанинг замонга ҳамнафаслигини ифодалаб турибди. Бир сўз билан айтганда, бу ерда олиб борилаётган намунали ишлар талайгина. Ютуқлар эса бисёр. Биз сизга ирмоқдан бир томчи ҳадя қилдик, холос. Бугун ўқув юртидаги ҳар бир педагог ва ишлаб чиқариш таълими устаси Ватан равнақи, юрт келажаги бўлган комил инсонни тарбиялашдек асосий мақсадни кўзламоқда. Ва бу йўлда самарали натижаларга эришаяпти ҳам.

Муҳаббат ЭШПЎЛАТ қизи.
Суратларда: илм маскани фаолиятидан лавҳалар.

Фермерлик ҳаракатининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бораётир. Боиси, қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, фермерликнинг ривожланиши учун кенг йўл очиб берилган. Уруғлик, ёқилғи, минерал ўғит фермер хўжаликларининг даласига етказиб берилаётгани, кредит зарур бўлса, банклар хизматга шай эканлиги, уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор парклари мавжудлиги фикримизнинг далилидир.

ФАРИДА ОПАНИНГ ИБРАТИ

Мулкдор билан танишинг

Наманган туманидаги «Ғайрат-ғурур-тараққиёт» муқобил машина трактор парки ўн тўққизта фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Албатта, дала ишларини сифатли бажариш шу жамоа саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ.

— Ҳар бир киши ўз ишига астойдил ёндошса, уддаласа, қадр-қиммат топаверади, — дейди МТП раҳбари Фарида Аҳмедова. — Дунёни деҳқон кийинтиради, деган нақл бор. Шундай экан, деҳқонни эъзозласак, унга хизмат қилсак, бахт топамиз. Ўтган бир ойнинг ўзида фермер хўжаликларига тўққиз миллион сўмлик хизмат кўрсатдик. Жамоамизда 41 нафар механизатор, инженер-техник ходим ишлайди. Ишларимиз ёмон эмас. Корхонамиз иқтисодиёти ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Шу боис, ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам ортиб бораётир. Мақсадимиз фермерларга сифатли хизмат кўрсатиш ва уларнинг техникага бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Фарида опа ҳамроҳлигида фермер хўжаликларида бўлдик. Деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашдик. Бир текис бошоқ олган буғдойзорларнинг мавжи бошқача. Киши қалбини ғурурга тўлдиради. Ғўза қатор ораларига ишлов берилаётир. Чин барг чиқарган ниҳолларга боқиб, келгусида бунёд этиладиган хирмонлар кўз ўнгимиздан ўтади.

— Ўз тақдирини ер билан боғлаган инсонлар зурриёди эканимдан фахрланаман, — дейди опа. — Ота-онамиз изидан бориб далага меҳр қўйиб, асло кам бўлмадим. Мана, фермерларга хизмат кўрсатяпмиз. Меҳнат қилган бахт топаверади. 2002 йил опа ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Президентимизнинг Фармонига асосан "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Фарида опанинг ўғли Содиқжон ҳам оилавий анъанани давом эттираётир. Институтни тамомлаб, ишни аграр соҳадан бошлади. Бугун у «Зардўз-замин-зилол» фермер хўжалигига етакчилик қилаётир.

Фермер хўжалигининг саксон гектар ер майдони бор. Ҳозир унинг салкам ўттиз гектаридаги ғалла баравж ўсмоқда. Қолган майдонларга эса пахта экилди. Ғалла ҳам, пахта ҳам уруғлик учун етиштирилади. Бу ишнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор.

Фермер хўжаликнинг режалари кўп. Олинадиган фойданинг асосий қисмини одамларнинг ижтимоий ҳимояси учун сарфлаш мўлжалланган. Келгусида чорвачиликни ривожлантириб, сут ва гўштни қайта ишлашни йўлга қўйиш вазифаси мақсад қилиб қўйган.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Физикани ўқитишнинг замонавий муаммолари" мавзусида республика олий ўқув юртларияро илмий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни ЎзМУ ректори, профессор F. Муҳамедов очиб, физикани ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари ҳақида гапирди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Физика жамияти раиси, профессор С. Зайнобиддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, физика фанини ўқитишда ахборот технологиялари ресурслари ҳамда илмий техник ютуқлар ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Нуржаҳон АВАЗОВА

Ҳар бир халқнинг ота-бобосидан мерос ери — тарихий ватани бор. Одамлар ўша ерда яшайди, ўз ақли, тафаккури билан моддий ва маънавий бойликлар яратади. Аммо фақат ўзининг бойликлари доирасида ўралашиб қолса, тараққиётда ўзи истаган самараларга эриша олмаслиги мумкин. Узоқ-яқин мамлакатлар билан қанча кўп муомала-муносабатга киришса, ривожланиш, юксалиш омиллари шунча кенгаяди. Туризм ана шундай омилларнинг энг ишончлиси, энг синалгани ҳисобланади.

ТУРИЗМ — ДАРОМАД МАНБАИ

Мамлакатимизнинг бой тарихи ҳар доим ҳам хорижликлар диққат-эътиборида бўлган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Президентимиз ташаббуси билан жуда кўп муқаддас қадамжолар обод қилинди. Аксарияти азал яралганда қандай бўлса, ўшандай кўринишда қайта тикланди. Бундай жойлар сайёҳликнинг диққат марказида бўлади. Бундан ташқари, юртимизнинг истиқлол даврида юқори даражага эришган бунёдкорлик ишлари ҳам саёҳатчиларни қизиқтирмоқда.

Туризм қотиб қолган соҳа эмас. У ҳамиша изланиш ва ўрганишни талаб этади. Ҳозир дунёдаги Германия, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария каби ривожланган давлатларда Ўзбекистонга қизиқиш кучли. Буни туризм тили билан ифода этсак, шу мамлакатлар туристик бозори, яъни сайёҳлик бозорида бизнинг маҳсулотларга талаб катта, дейиш мумкин.

Сайёҳлик бозорига дадил кириб бориш учун туроператорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш зарур. Уларни Ўзбекистон ҳақидаги доимий ахборотлар билан таъминлаб туриш, бу борада махсус дастурлар тузиш мақсадга мувофиқ.

Туризм — бу бошқа мамлакатлар бозорига очилган офтобли дарча. Шунинг учун фақат қадимий ёдгорликлар ёки қадимий қўлёзмалар билан чекланиб қолмай, миллий маҳсулотларни ҳам реклама қилиш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир сайёҳнинг ўзи биз учун реклама вазифасини бажариши мумкин. Шу сабабли ҳам юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг қизиқишларини аввалдан ўрганиш яхши самара беради. Сайёҳлик дастурини шунга қараб тузиш керак.

Бунинг учун сайёҳлик хизмати билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. У шунчаки дипломли мутахассис бўлмаслиги, энг аввало, ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиши шарт. Боз устига, жуғрофий, тарихий билимларни чуқур эгаллаши керак. Бу соҳа ходими қанча фаол, тасаввури, дунёқараши кенг бўлса, шунча катта фойда келтиради.

Университетимизда сайёҳлик бўйича кўникмалар, ҳатто жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам чуқурроқ билим олишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки бошқа мамлакат билан алоқага киришганимизда, жисмоний иҳтатдан саломатлигимиз, ташқи кўринишимизга ҳам катта аҳамият берилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, сайёҳлик хизмати тўғри йўлга қўйилса, келадиган самара иқтисодий ўсишнинг 46 фоизини ташкил қилиши мумкин экан. Биз — ёшлар бундай хизматга тайёрмиз.

Н. АЪЗАМОВ,
М. ҲАСАНБОЕВА,
ТДИУ талабалари.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

Самарқанддаги Шоҳи Зинда обидасига кираверишда шундай битикларни ўқиймиз: "Пайғамбар каломи будир: Ал-Қусам ибн Аббос кўриниши ва хулқи билан ҳаммадан кўра менга кўпроқ ўшайди". Ушбу каломда ҳикмат излаганлар учун ибратли мазмун бор. Зеро, Қуръони каримда ҳам: "Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни севади", — дейилади.

ШОҲИ ЗИНДА — ТЕНГИ ЙЎҚ МЕЪМОРИЙ ОБИДА

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари — Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу номлари билан боғлиқ Шоҳи Зинда мажмуи ҳақида гап кетар экан, ҳамма замонларда ҳам энг гўзал ташбеҳлар, энг ёқимли таърифу тавсифлар келтирилган. Аҳли донишлар мажмуани "Инсоният тафаккурининг шоҳ асари", дея эътироф этишган. Айримлар "Инсон меҳнатининг ҳақиқий мадҳияси нур билан уйғунлашиб, қотиб қолган мусиқий манзара", дея таърифлашган. Дарҳақиқат, Шоҳи Зинда инсон ақл-заковатининг мўъжизакор неъмати, қувваи ҳофизаси сиғдира олган бетакрор ихтироси. Уни дунёнинг етти мўъжизасидан бири дея олмаймиз, аммо у тенги йўқ, ўхшаши йўқ алоҳида ягона меъморий обидадир.

Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу боқий дунёга рихлат қилганларида ҳоки поклари шу ерга қўйилган. У кишининг қабрлари устига XI асрда тикланган мақбара кейинчалик ана шундай гўзал мажмуа барпо этилишига асос бўлган. Шоҳи Зинда соҳибқирон Амир Темур даврида қайта тикланган ва XIX асргача бойитиб борилган. Айни маҳалда бу ерда Хожа Аҳмад, Туман Оғо, Амир Бурундуқ, Уста Али Насафий мақбаралари ва яна бир қанча номлари аниқланмаган қабр қолдиқлари мавжуд.

Бу меъморий мажмуа ўтмишда кўп қора кунларни бошдан кечирди. Тарихда бот-бот такрорланган Самар-қанд босқинлари, ғоявий хуружлар авж олган даврларда талотўпларга дучор бўлди, аёвсиз оёқости қилинди, таланди. Шунинг учун тараққийпарвар дунё жамияти Президентимизнинг ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи мажмуани ҳимояга олиш билан боғлиқ қарорини ғоятда муҳим воқеа сифатида кутиб олди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 июлда «Шоҳи Зинда» ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мана, орадан салкам уч йил ўтди. Бу даврда амалга оширилган ишлар кишини қувонтиради. Айтиш мумкинки, Шоҳи Зинда асос солинганидан буён Амир Темур даврида бир бор ва Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иккинчи марта чинакамига обод этилди. Шоҳи Зинда ансамбли билан Бибихоним мадрасаси оралиғида, қадимий Сиёб бозори атрофида амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари таърифга сиғмайди.

Қарорда табаррук масканнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламли зиёратларини уюштириш масаласи алоҳида таъкидланган. Шу сабабли, тарихий-меъморий мажмуани тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш жараёнида зиёратчилар учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан зиёратчилар юзида миннатдорчилик ифодаси сезилади. Хорижликларнинг ҳайрати чексиз. Юртбошимизга билдирилаётган дил изҳорлари самимий.

Ўтмиш — ўзига хос мактаб. Ёшлар тарбиясида ҳикмат ўчоғидир. Қарорда "Диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга доир тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" алоҳида кўзда тутилган бўлиб, бу йўналишда ҳам ибратли ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бибихоним билан Регистон ҳамда Регистон билан Гўри Амир оралиғида ҳам Президентимиз кўрсатмалари асосида катта меъморий ўзгаришлар қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтмишда маданий бойликларимиз камситилди. Обидаларимиз салобатини кўримсиз ҳолатга келтиришнинг антиқа усулларидан моҳирона фойдаланилди. Масалан, Регистон виқорини хаспўш-лаш учун бир пайтлар унинг атрофида "Юбилейная" ресторани, катта кинотеатр, кўп қаватли мактаб қурилган ёки Амир Темур хилхонаси салобатини босиб кетиши учун "Самарқанд" меҳмонхонасини бунёд этишди.

Мисол тариқасида ароқ заводини олайлик. Унинг қурилишини суви, об-ҳавоси ва бошқа-бошқа сабаблар билан оқлашга уриниш мумкин. Бироқ соҳибқирон бобомизнинг, у кишининг пирлари мақбаралари олдидан, келиб-келиб, ароқ заводи қурилишини қандай тушуниш мумкин? Мустақиллик бунга чек қўйди. Илгари завод банд этиб ётган ҳудуд бугун ўзига хос лойиҳа асосида барпо этилган хиёбони билан чирой очди.

Хўжайи Хизр масжидида ҳам жиддий қайта тиклаш ишлари олиб бориляпти. Масжид ва Шоҳи Зинда оралиғи тор бўлиб қолганди. Оғир юкли машиналарнинг узлуксиз қатнови, силкинишлари борабора биноларга таъсир қилиши мумкин эди. Шу боис, асосий қатнов обидаларга зарари етмайдиган тарзда йўлга қўйилди. Янги кўча Сиёб бозори ҳудудини Чўпон ота қирларида Тошкент йўли билан боғлади. Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг Шоҳи Зинда ҳудуди транспорт ҳаракатида энг мақбул ечимини топди.

Шоҳи Зинда мажмуаси, Хўжайи Хизр масжиди Афросиёб қўриқхонаси билан туташ баланд адирликда жойлашган. Айниқса, ёзнинг жазирама саратонида бу ерлардаги ўт-ўланлар қовжирайди, дарахтлар эътиборга муҳтож бўлиб қолади. Бироқ юртини обод, аждодлари руҳини шод қилишга астойдил бел боғлаганлар ана шу ҳудудларнинг ўзини ҳам кўм-кўк майсазор, гулу гулзор ҳолатида сақлаш чораларини кўришмоқдаки, бунга фақат тасаннолар айтиш керак.

Ҳа, бугун узоқ ўтмишдан эртаклар сўзловчи кўҳна Самарқанд ана шундай ёшариш даврини бошдан кечирмоқда. Буни Президентимизнинг меҳр тафтигина рўёбга чиқармоқда десак, асло янглишмаймиз.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Давлат мукофотига номзодлар

Ҳар бир ижодкорнинг ҳаётдаги, адабиётдаги, миллатнинг маънавий-интеллектуал камолотидаги ўрни айтган сўзининг нуфузи билан белгиланади. Шу маънода, янгиланиш жараёнини бошидан кечираётган миллий адабиётнинг ҳар бир ижтимоий босқичдаги савияси кўтариб чиқаётган муаммолари ва яратилган характерларнинг маънавий бойлиги, ранг-баранглиги билан асосланади. Бу борада бадиий-эстетик изланишларда Азим Суюн шеърияти салмоқли ўрин тутади. Халқимизнинг суюкли шоири ижодида достон, баллада, эртак, шеърий ҳикоя, тўртлик, фард, туюқ, қайирма ва бошқа кўплаб шеърий жанрлар ва поэтик шакллар қўлланилаётганини кузатиш мумкин. Бу шоирнинг воқелик моҳиятини, одамлар руҳиятидаги ўзгаришларни турфа йўсинда бадиий идрок этишига хизмат қилмоқда.

ҚАЛБ ФАСЛЛАРИ

Азим Суюн ўз шеърларида Ватан ва миллат тарихига, ўтмиш хотирасига таяниб бугунги куннинг маънавий-ахлоқий масалаларига жавоб излайди. Халқимизнинг олис кечмиш ҳаёти, буюк аждодларимиз тақдири, маънавий-интеллектуал камолот белгиларини, ижтимоий асосларини топишга, англашга, кўрсатишга интилади.

Шоирнинг «Замин тақдири», «Зиё йўли», «Олис тонглар», «Сайланма», «Ўзлик», «Ватан фасллари» ва бошқа ўнлаб китоблари қиёфасини белгилаган шеърлари, достонлари, адабий-публицистик мақолалари ушбу бадиий-фалсафий концепциянинг рангин қирраларини ёритишга қаратилган. «Тарих — халқни бирлаштирувчи куч, — деб ёзади Азим Суюн, — бармоқларни бир муштга айлантирувчи қудрат. Ҳар бир халқ ўз тарихини билиши, ҳурмат қилиши, эъзозлаши керак. Ўз тарихини назар-писанд қилмаган халқ халқ эмас, ориятсиз бебурд, манқурт тўдалардир. Улардан ҳар қандай разилликни, нопокликни кутса бўлади. Қай халқ ўз тарихининг қадрига етмайди, ўзга халқ тарихи қадрига етмайди».

Айтиш жоизки, шоирнинг бадиий-эстетик изланишлари икки асосга таянади. Бири она халқ тарихи бўлса, иккинчиси халқ оғзаки ижодидир. Шоирнинг миллий ғурур туйғулари, дил эркинлиги ғоялари ана шу булоқдан сув ичади. Ва шу тариқа Ватаннинг бетимсол маънавий иқлимларини, руҳият манзараларини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Сўзларининг ҳаётийлиги, кўнгилларга дилбандлиги сирлари ҳам ана шунда. Ижодидаги ўзига хослик, шеърий шакллар ранг-баранглиги унинг ижодий изланишлари табиатидан, бадиий тафаккур тарзидан келиб чиқади.

У мозийни бадиий ўрганиш, эстетик ўзлаштиришдаги нотугалликлар, нуқисликлар ҳақида куйиб-ёниб сўйлайди. Туркий улус тарихи, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдири замондошларимиз маънавий-интеллектуал камолотининг пойдеворидир, деб билади. Миллатнинг бугуни ва эртаси олис ўтмишда ёнган гулханлардан нур-ёруғлик эмишини қайта-қайта таъкидлайди. Шу жиҳатдан бой маданий меросига таянмаган миллатнинг эртаси ҳам қоронғудир, деган нуқтаи назарни илгари суради. Кишилик жамияти ҳамиша янгиланиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, ўзгариб туриш асосига қурилган. Ушбу жараёнда аждодлар қисмати ва ҳаёти, миллат тарихи ўзгаришлар асосини белгилайди, деб ёзади шоир. Мазкур қарашлар бу йил чоп этилган «Ватан фасллари» тўпламининг «Саждагоҳ», «Достон», «Шуҳлалар ранги», «Насрий қайирмалар», «Муҳаббат ҳайратлари» фаслларининг ўзак мағзини ташкил этади.

Бош кесилса ёронлар,
сочга мотам
тутилмас,
Қон қусилса, ёронлар,
ичга сувдек ютилмас.
Қай бир миллат
тупроғин топтар экан
маккор ёв,
Ўзлигин билганларнинг
бахти асло бутунмас!
Арғумоқларга мининг,
Ғолиб қилич
ёр бўлсин.
Бу дунёда ҳар кимнинг
Ўз Ватани бор бўлсин.

«Анғиз ўсган ерларда...» асарининг лирик қаҳрамони миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида фикр юритар экан, мутеликни чилпарчин этиш, озодликни қўлга киритиш халқнинг қарор топишидир, дейди. Башарий қадриятнинг рўшнолигидир, дея қатъий ишонч билдиради.

Шу маънода, ота юрт табиатининг турли манзаралари ижодкорга ўзига хос эстетик туртки берган. Улар кўнгиллаган ниятларининг восил бўлишида бадиий бўёқларга, рангларга айланган. Шунга кўра Азим Суюн изланишларида табиат ва инсон масаласи аксарият ҳолларда Ватанга, она юртга, халққа садоқат, эътиқод, ишонч ғояларини ташиб келади. Меҳр-муҳаббат, оқибат туйғулари эса ана шу ишонч бағридан отилиб чиқади. Шоир шеърларидаги тоғ-тош, қирадир, майса, чечак, бойчечак, бошоқ, дарахт, офтоб ва бошқа рамзлар башарий қадриятларни ҳимоя қилишга, улуғлашга бўйсундирилган. Улар шеърхонга кўтаринки руҳ бағишлайди. Қалбида миллий ғурур туйғуларини жўштиради. Табиат манзараларидан нусха кўчириш ёки табиатнинг бирор-бир ҳолатини қандай бўлса шундайлигича — ўз ҳолича тасвирлаш чинакам шеърият учун етарли эмас. Азим Суюн мазкур манзараларга ўз кўнгли ва қадамларини сингдириш орқали жонлантириб юборади. Яна замондошларимизнинг ўй-кечинмаларини, ҳис-туйғуларини ҳам юқтиради. Давр нафасини, бугуннинг маънавий-интеллектуал эҳтиёжларини йўғиришга эришади. Шу боисдан ҳам бадиий умумлашма фикрлари ижтимоий жиҳатдан долзарблик, салмоқдорлик касб этади.

Шоирнинг ота-онага бўлган меҳр-муҳаббати, ихлос-эътиқод, садоқат туйғуларини ифодалашда халқ оғзаки ижодининг таъсири бениҳоя катта. Унинг ижодида халқона ҳикматга йўғрилган ўй-мушоҳадалар образлар қатимига жойлашган. Бой ритмик товланишлар ўқувчи эътиборини михлаб олади. Бу нарса аввало, шоирнинг бадиий тафаккур табиатида зоҳир бўлади. Шоир наздида Ватанга муҳаббат, инсоннинг ўз киндик қони тўкилган гўшага муҳаббатдан бошланади.

Шеъриятимизда халқона ҳикматга йўғрилган ижтимоий мазмунни ифодалаш алоҳида йўналиш сифатида бўй кўрсатаётир. Бунда Азим Суюннинг бадиий изланишлари ўзига хос ўрин тутади. Мазкур майл она юрти ва заҳматкаш халққа муҳаббат туйғуларини, улар ўтмиши ва бугуни билан боғлиқ кечинмаларни табиат манзаралари асосида ёритишда, майин лирик оҳанглар қатимига едириб юборишда кўринади. Шу боис, лирик қаҳрамон даъватлари яланғоч шиорлар ёки қуруқ ғоялар тариқасида эмас, миллат дарди ва замон руҳи билан тўйинган кечинмалар сифатида жаранглайди. Шу маънода Азим Суюн ижодида ижтимоий мазмун халқ тарихи, миллат бирлиги ва ватан истиқболи ҳақидаги ғоялар уйғунлигида тажассум топади. Ишқ-муҳаббат кечинмалари тасвири табиати ранглар билан янада жонланади. Ижтимоий муаммоларни ҳиссий идрок тарзида тасвирлашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга бугуннинг оғриқли масалаларини тириклиннинг азалий ва абадий муаммолари билан вобаста талқин этишга мойил. У жамият ҳаёти ва инсон руҳиятидаги мураккаб, зиддиятли ҳолатлар, ноқислик, нотугалликлар замиридаги фожиали «ўйинлар»ни чуқур ҳис этадиган ижодкор сифатида намоён бўлади. Шоир ижод йўлининг ўзига хослиги шундаки, ижтимоий мазмун замондошлар тақдиридан ажратиб олинмайди. Улар ҳаёти орқали очилади.

Азим Суюннинг ижодий изланишлари шеъриятимизни мазмунан ва шаклан бойитишга хизмат қилмоқда. Қалб фаслларининг руҳоний иқлимларини ўзида мужассамлаштирган «Ватан фасллари» китоби Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллатнинг миллий ғурур туйғуларини улуғлаш йўлидаги қутлуғ интилиш самараларидир. Кишида Ватанга муҳаббат туйғулари шаклланишига хизмат қилувчи бу асар Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига муносибдир.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

Таълим ва ислоҳот

ЕТУК ҲАМШИРАЛАР МАСКАНИ

ёки Қўқон тиббиёт коллежи фаолиятига бир назар



Кенг ва равон кўчалари, бир-биридан кўркам бинолари, яшил хиёбонлари ўзига ярашиб турган Қўқон шаҳрини айланиб, у ердаги катта ўзгаришлардан мамнун бўлдик. Шаҳар — кечаги шаҳар эмас. Бугун унинг ўз қиёфаси, келган меҳмонларнинг эътиборини ялт этиб тортадиган оҳанрабоси бор. Сабаби, кўча ва хиёбонларда, йўлларда хушкайфият билан ўқишга ошиқаётган, ундан қайтаётган ёшларни кўриб дилингиз яйрайди. Уларнинг кўпчилиги шаҳардаги таълим муассасаларининг ўқувчилари ҳисобланади. Пухта билим олиб, касб-ҳунар эгаллаб, эртанги кунга қатъий ишонч билан бораётганликлари ҳар бирларининг юз-кўзларидан сезилиб турибди.

Шаҳар ҳокими Ҳаётхон ака Каримов билан ёшларга бўлган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар хусусида суҳбатлашдик.

— Қайси коллежни бизга тавсия қиласиз? — деган саволимизга Ҳаётхон Салимович:

— Биздаги саккизта коллежнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан қолишмайди, — дея жавоб қилди.

Биз Ю. О. Отабеков номли Қўқон тиббиёт коллежини танладик.

— Ёшларимиз — бизнинг фахримиз, — дейди коллеж директори Замирахон Охунова. — Уларнинг ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Ўз навбатида ёшлар ҳам эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлиб, сидқидилдан хизмат қилишдек ажойиб туйғу билан яшамоқдалар. Жамоамиздаги меҳрибон устозлари кўмагида илм чўққиларини забт этишиб, касб эгаллашяпти.

Айни кунларда бўлажак шифокорлар масканида ҳамширалик ва акушерлик иши, фармацевт ассистенти, медицина лаборанти, даволаш иши йўналишлари бўйича 4000 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Уларга 213 нафар устоз-мураббий қунт билан билим бермоқда. Педагогларнинг 206 нафарини олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. Шу ўқув йилида коллежга 1800 нафар ўқувчи қабул қилинди. Ўтган йили илм масканини тамомлаган минг нафардан зиёд йигит-қизларнинг асосий қисми ишга жойлашди. Саодат Мадаминова, Маҳбуба Маҳмудова, Замира Жуманбоева, Мўътабар Аббосова, Маҳбуба Ҳакимова, Наргиза Мадалиева, Шавкатжон Мамажонов, Клара Мелибоева, Замира Иргашева, Рустамжон Сулаймонов, Бахтиёр Султонов, Одина Зоҳидова, Дилшода Мамажонова каби тажрибали устоз-мураббийлар меҳнатининг шарофати бу, албатта. Ишчан жамоанинг ёшлар камолоти йўлидаги саъй-ҳаракати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу ердаги 13 та фан кафедрасининг фаолияти, айниқса, диққатга сазовор. Ўқув йили давомида очиқ дарслар, илмий-амалий конференциялар, танловлар ўтказиб борилмоқда.



— Биз иқтидорли ўқувчиларимизни қадрлаймиз, — дейди коллеж директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Қаҳҳоржон Аҳматқулиев. — Шу мақсадда иқтидорли ўқувчиларнинг маркази ташкил этилган. 300 нафардан зиёд қобилиятли ўғил-қизларни бирлаштирган марказ томонидан фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб борилмоқда. Масалан, ўтган ўқув йилида 10 нафар ўқувчи шаҳримиз миқёсида ўтказилган олимпиадада фахрли биринчи ўринни эгаллади. 5 нафар ўқувчи эса вилоят босқичида коллежимиз шарафини ҳимоя қилди. Талабаларимиздан бири «Ишбилармон ўқувчи» республика танловида биринчи ўринни олиб, 180 минг сўм миқдоридаги стипендияга эга бўлди.

Фақат бугина эмас: ўқувчиларнинг фаол ҳаракатлари билан ўқув юрти жамоасининг юзи доимо ёруғ бўлмоқда. Жумладан, вилоятдаги тиббиёт коллежлари ўртасида ўтказилган «Комила қиз» кўрик-танловида Динара Аҳмедова билан Гулмира Низомиддинова муваффақиятли қатнашиб, «Энг ижодкор қиз», «Энг чаққон қиз» номинацияларини олишга эришди. Биринчи курс талабаси Мунира Пўлатова «Таэквондо» бўйича республика микёсида ўтказилган мусобақада олтин медални қўлга киритиб, чемпион бўлди.

— Мен оддий оила фарзандиман, — дейди ҳамширалик иши йўналиши бўйича биринчи босқич ўқувчиси Муҳаммадёқуб Тўлқинов. — Яратилган шароитлар бизни қувонтиради. Устозларимиз меҳрибон. Дарсларни яхши ўтишади. Бўш вақтимни кўпроқ биология тўғарагида ўтказаман. Айниқса, кимё фани ўқитувчиси Гулнора Аминова билан биология ўқитувчиси Одинахон Бобожонова олиб бораётган машғулотларнинг биронтасини ҳам қолдирмайман. Келажакда олий ўқув юртига кириб, тажрибали шифокор бўлмоқчиман.

Ҳуснидахон Саримсоқова ҳам шу йўналишнинг биринчи босқичида ўқийди.

— Шундай замонавий, шинам ўқув масканида таҳсил олаётганимдан бахтиёрман, — дейди у. — Биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликларга яхши ўқиш билан амалий жавоб беришга ҳаракат қиляпмиз. Устозларимиз бераётган билимларни пухта эгаллаяпмиз. Дарсдан бўш пайтларимизда турли тўгаракларга қатнашаяпмиз. Ахир, устозларимиздан қанча кўп нарсани ўргансак, ўзимизга яхши-да.

Ўқувчиларнинг соҳа мутахассислари бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилган. Спорт ва фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази, кенг ва ёруғ ўқув-амалиёт хоналари, лабораториялар, 3 та компьютер синфи, 4 та лингофон хонаси уларнинг ихтиёрида.

Яқинда коллежда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Эл соғлиғини мустаҳкамлашга кўп йиллик меҳнати сингган фидойи шифокорлар Абдуллажон Алиев ва Юсуф Отабеков номидаги стипендиялар ташкил этилди.

Коллеж жамоаси ёшлар тақдирига доимо катта эътибор билан қарамоқда. Уларнинг униб-ўсиб, комил инсон бўлиб етишишлари учун ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.
Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Мерос

ЛУҒАТЛАР ТАРИХИДАН

Халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида икки тилли луғатларга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Бугунги кунда Ўзбекистон билан яқин муносабат ўрнатган давлатлар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса, рус тилига бўлган қизиқиш илгаридан катта.

"Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғат"нинг юзага келиши ҳам маданий ва маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти луғатшунослари саъй-ҳаракати билан чоп этилган бу янги луғат ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. У Ўзбекистонда луғатчиликда орттирилган тажриба маҳсули сифатида қимматлидир.

Диёримизда 1927-1928 йилларда икки жилдли "Русча-ўзбекча" мукаммал луғат босмадан чиқарилган эди. Илмга чанқоқ ёшлар ушбу нашр воситасида рус тилини ҳам ўргана бошладилар.

1934 йилга келиб "Ўзбекча-русча луғат" юзага келди. 25 минг нусхада чоп қилинган ушбу китоб республикамизда икки тилли луғатлар тузиш ишига туртки бўлди. Ўша йили "Русча-ўзбекча тўла сўзлик" китоби тузилди. Бир йил ўтгач, профессор В.Решетов 7000 сўздан иборат "Қисқача ўзбекча-русча луғат" тузди. 1941 йили академик Т.Қори Ниёзий ва профессор А.Боровковлар 17000 сўзни ўз ичига олган "Ўзбекча-русча луғат"ни яратдилар. Бир йил ўтгач, 30 минг сўз ва иборали "Русча-ўзбекча луғат" нашр қилинди.

1959 йили луғатчилик тарихида катта воқеа юз берди. Москвада "Ўзбекча-русча луғат" нашр этилди. Кўпчилик туркшунослар томонидан яхши кутиб олинган ушбу нашр пухта ишлангани билан ажралиб туради.

Фундаментал тадқиқотлар дастурлари бўйича яратилган икки тилли луғатлар бирин-кетин юзага кела бошлади.

"Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғат" бу каби жиддий изланишлар натижаси бўлди. Китобнинг қимати фақат қамровнинг (20 минг сўз) кенглигида эмас, балки унда луғатчилик тажрибасида ҳозиргача кўрилмаган ва бир қанча янги тамойиллар қўлланилган. Ўзбек тилининг ўзига хос тарихий тараққиёт хусусиятлари инобатга олинган. Айни вақтда рус тилини фаол сўз қатлами асос сифатида қабул қилинган.

Янги нашрнинг афзаллиги яна шундаки, луғат тил ўрганувчиларнинг сўз бойлигини орттиришга хизмат қилиш билан бирга, тилни том маънода ҳис қилиш, сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларини тўғри англай билиш қобилиятини ҳам тарбиялайди.

Акбар АЛИЕВ.

Орамиздаги одамлар

ДОРИЛФУНУННИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИСИ

ёки 64 йил педагог касбини шарафлаб келаётган инсон ҳақида икки оғиз сўз



Турсун ота дорилфунун дарвозасидан ҳовлига қадам қўйиб, оҳиста ичкари одимларкан, унга рўпара келган талаба ҳам, ўқитувчи ҳам, фан номзоди ҳам, фан доктори ҳам — қўли кўксида, ассалому алайкум, дейишади. Ким салом билан кифояланади, ким қўл олиб самимий кўришади, ҳол-аҳвол сўрайди, саломатлик тилайди. Қариси бор уйнинг париси бор деганларидек, Турсун ота билан бу даргоҳга файз ҳам кириб келаётгандек бўлаверади-да. Буни кўпчилик билади, ҳис қилади, шунинг учун унга рўпара келган инсонларнинг қўли кўксида. Ахир, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасда: бугун саксонни тўлдираётган Турсун ота Содиқов Қарши давлат университетининг пойдеворига биринчи ғиштни қўйган одам. Бундан роса 57 йил муқаддам, 1950 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг Қарши филиали мустақил Қарши ўқитувчилар институтига айлантирилди ва ўша даврда Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетини тамомлаб келган Турсун Содиқов институтнинг штатдаги биринчи ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди. Унгача эса...

Унгача кечирган бор-йўғи 23 йиллик ҳаётда кўрган-кечирганлари асрга татигулик тарих.

— 9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг юртимизда зўр ҳурмат-эҳтиром билан нишонланганини томоша қилиб ўтириб, уруш йилларининг оғриқлари кино лентасидагидай бир-бир кўз олдимдан ўтди, — дейди Турсун ота. — Уруш у ёқда, олисда бўлса-да, унинг қийинчиликлари бу ёқдаги бутун элнинг бошида эди. Эл деганимиз — ўзини зўрға эплаб юрган қариялару болакайлар, аёллар. Қўлидан иш келадиган барча эркаклар фронтга кетган. Очарчилик, бир бурда нон анқонинг уруғи. Бунинг устига, деярли ҳар ҳафта Кўрғонча қишлоғининг қайси бир чеккасида қорахат олган хонадондан уввос йиғи овози эшитилади. Ана шу кезларда биз ўн тўрт-ўн беш яшар болалар колхоз — жамоа хўжалигида улов-омоч билан ер ҳайдаб, ғалла экканмиз, оч-наҳор, кунига ўн беш соатлаб ишлаганмиз. Эҳ-ҳе, бугунги дориломон кунларнинг садағаси кетсанг арзийди!..

Ўсмир Турсун фақат далада ишлабгина қолмай, мактабда ўқитувчилик ҳам қилди. Ҳа, ўқитувчилар ҳам урушга сафарбар қилинган эди, 1943 йилда Қарши шаҳридаги бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган Қарши туманидаги қисқа муддатли курсни битириб, Навоий номли мактабда дарс бера бошлади. Уруш тугаган йили Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди...

Шу-шу, 1950 йилдан буён унинг ҳаёти ва фаолияти бугунги Қарши давлат университети билан чамбарчас боғлиқ. Бу даргоҳнинг оддий ўқитувчилар институтидан Давлат дорилфунуни даражасига етиб келишида ушбу манзилда роса 57 йилдан буён ишлаб, талаба ўқитиб, илм қилиб келаётган педагог олим Турсун отанинг муносиб ҳиссаси бор.

Бу йиллар мобайнида Турсун Содиқов олий ўқув масканида физика-математика фанини ўқитишни такомилига етказишга, фан кафедрасини, факультетини ташкил қилишга бош-қош бўлди, ўзи илмда намуна кўрсатиб, 1967 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Мавзу: «Гелиоиссиқхоналарда ҳарорат режимини ва иссиқлик жараёнларини ўрганиш». Бу, физика-математика факультети тарихидаги олимлик унвони учун биринчи ҳимоя эди. Шундан буён Турсун Содиқов қуёш энергиясидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун амалиётда кўп тажриба-ишларга бош-қош бўлиб, гелиополигонлар қурилишига ҳам етакчилик қилиб келмоқда. У фаолияти давомида ўнлаб фан номзодлари етиштиришга илмий раҳбар бўлди, педагог сифатида эса мактаблардаги юзлаб физика-математика ўқитувчилари, мактаб директорлари унга устоз сифатида таъзим бажо келтиришади. Доцент Т. Содиқов юздан ортиқ монографиялар ва илмий мақолалар муаллифи. Бу илмий изланишлар ва ярим асрдан ортиқ педагогик фаолият ортида қанчаданқанча халқаро илмий-техникавий анжуманларда иштирок этиш, Москвадаги энергетика институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва бошқа саъй-ҳаракатлар ётибди.

Устоз Турсун ота ҳақида гап кетганида, университетнинг тарих музейи, албатта, тилга олинади. 1996-1998 йилларда унинг ташаббуси ва бошчилигида ташкил этилган мазкур музейдаги 70 та стендларда бу илм даргоҳининг 1945 йилдан ҳозиргача бўлган тарихи кафтдагидек акс этган. Бу ердан талабаларнинг, ўқитувчиларнинг қадами узилмайди. Кўпинча эса талабалар билан Турсун отани бирга кўрасиз... Яна, у киши музей билан боғлиқ бир хайрли ишга қўл урди: 2005 йилгача олий даргоҳда ишлаб ўтганларнинг таржимаи ҳоли ва илмий-педагогик фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган «Ёднома» хотира тўпламининг иккита жилдини тайёрлаб, босмадан чиқарди, ҳозир учинчи жилди устида иш олиб бормоқда.

Т. Содиқовнинг турмуш ўртоғи ҳам педагог. Фарзандлари Раъно, Шуҳрат, Раима, Учқун, Нодира, келин ва куёвлари ҳам ота изидан бориб, ўқитувчилик касбини эъзозлаб келишмоқда.

Ана, дорилфунун дарвозасидан файзли, нуроний бир киши қадам қўйиб, оҳиста одимламоқда. Рўпара келган талаба-ю домлалар қўли кўксида салом бераётган бу инсон — Турсун Содиқов...

Б. ХАЙРИДДИНОВ,
Қарши давлат университети физика-математика факультети декани,
А. ВАРДИАШВИЛИ,
иссиқлик физикаси ва энергетикаси кафедраси мудири.

18 май — Халқаро музейлар куни

МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Миллий меъморчилик асосида қурилган, услуб жиҳатидан такрорланмас, бир қанча тарихий обидалар қаторида ХХ асрнинг бошларида бунёд этилган республика Халқ амалий санъати музейининг биноси ҳам ўзининг нақшинкорлиги билан ажралиб туради. 1903 йили европача тарзда қад ростлаган бу қасрнинг юзага келишида рус меъморларидан А.Бумейстер, Г.Сваричевский, И.Маркеевич, тошкентлик машҳур ганчкор-ўймакор уста Тошпўлат Арслонқулов, наққошлик мактабининг йирик вакили Олимжон Қосимжонов, бухоролик машҳур ганчкор-уста Ширин Муродов, шунингдек, Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Хўжанд шаҳарларидан келган тажрибали халқ усталарининг меҳнатлари сингган. Бинога зарур бўлган қурилиш материаллари — пишиқ ғишт Тошкентдан, сержило кошинлар Қўқон ва Риштондан, ганч Бухородан, устун ва эшиклар Самарқанддан келтирилган. Чинор дарахтидан ясалган эшикка "ислимий", ва "боғдодий" услубида ўйма нақшлар солинган.



Музей биносининг хона деворлари ганч нақшлари билан бежирим қилиб безатилган. Бунда "Гулли рафтор", "Патнис ислим", "Гирих" (геометрик чизма), "Чакопардоз" ва бошқа услубларни кўриш мумкин. Бинонинг учта хонаси ва кенгаш зали турли-туман миллий безаклар, нақшлар ва гуллари билан алоҳида ажралиб туради. Залнинг тўри ва этагида иккитадан токча, бошқа бир томонида эса меҳроб бор. Токча нақшли ганч панжара билан тўсилган. Залнинг тўри ва шимол томонида иккита нафис ўймакор эшик бор.

Хуллас, ўзбек ва рус меъморлари томонидан яратилган муҳташам сарой 1937 йилдан Ўзбекистон амалий санъати асарларининг доимий кўргазма масканига айлантирилди. Бинода 12 та зал бўлиб, уларга музей заҳирасидаги 7500 та турли нодир экспонатлар — амалий санъатга доир ёдгорлик буюмлари, бадиий ҳунармандчилик буюмлари тартиб билан жойлаштирилган. Булар 20 турга бўлинган. Экспонатлар турли даврларга тегишли бўлиб, улар мустақил республикамиз бадиий ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музей залларига қўйилган гилам, палос ва сержило кашталар киши диққатини тортади. Ўзбек каштачиларининг буюмлари ҳам ранг-баранглиги билан кўзни қамаштиради. Нақшинкор устунлар, пештоқлар, эшиклар, панжаралар бинонинг чиройига чирой қўшган уй анжомларидан хонтахта, курси, сидирғасига ўйма нақш билан қопланган қутичалар, турли идишлар нодир ёғочлардан ясалган.

Халқ усталарининг ёғоч ўймакорлигига доир санъат асарлари, Сулаймон Хўжаев ва унинг шогирди Маҳсуд Қосимовнинг безакдор идишлари, Т.Тўхтахўжаев, Ё.Рауфов, Ж.Ҳакимов ҳамда Бадиий академия аъзоси Ортиқ Файзуллаевнинг безакли "Панжара"-си диққатни жалб этади.

Шунингдек, музей залларидан кулолчилик, мисгарлик, заргарлик каби амалий санъат турларидан намуналар, чиннисозликнинг ўзига хос ноёб асарлари ҳам ўрин олган. Бу ердаги халқ амалий санъати асарлари Париж, Нью-Йорк, Брюссель, Япония, Ҳиндистон, Монреал, Покистон, Италия, Югославия ва бошқа Халқаро кўргазмаларда ўнлаб олтин, кумуш ва бронза нишонлар, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Ҳозирги кунда тажрибали санъатшунос Турғунжон Дўстоев раҳбарлигида халқ амалий санъатига доир материалларни тўплаш, асраш, уларни илмий асосда ўрганиш ва келажак авлодга мерос қолдириш мақсадида жиддий иш олиб бориляпти. Бунда Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

Мутолаа

ВАТАННИ ЁНИБ КУЙЛАШ — САОДАТ

Ватан! Бу қутлуғ калом тилга олинганда, вужудимизда ажиб титроқ уйғонади. Юракни аллаловчи оҳанг қулоғимизга чалингандек бўлади. Кўз ўнгимиздан туғилиб ўсган қадрдон гўшамиз-у, дўст-қадрдонлар сиймоси бир-бир ўтади. Ҳар лаҳза, ҳар сонияда онгу шууримизда шуълаланиб турувчи бу туйғунинг номи муҳаббатдир. Ватанга муҳаббат!

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Ватан" номли шеърида ана шу туйғулар ўзига хос тарзда тараннум этилган.

Дил пораси,
кўз қораси
Сен ўзингдирсан.
Менинг кўнглим
сен аслида,
Сен кўзимдирсан.
Томиримда
томир ёйган
Илк сўзимдирсан.
Илк оғригим,
илк ёмғирим,
Найсоним, Ватан.

Ушбу сатрлар билан бошланувчи шеърнинг куйга солиниб, хушовоз хонанда Озодбек Назарбеков томонидан ижро этилганини ҳам биласиз. Сатрлар қатидаги мазмун-моҳият, дард ҳар қандай тингловчини забт этади, кишини мушоҳадага чорлайди. Бунга сабаб шуки, шеърда халқимизнинг бугунгидек дориломон кунларини орзу қилган, эзгу орзу умидлари йўлида умри заҳру заққумга айланган ватандошларимизнинг қайғуси тилга олинган. Неча-неча ҳукмдорлар золимлик шиори остида ўзбек халқига зуғум ўтказганида эл осойишталигини ўзининг оромидек азиз билган ватанпарварлар ҳамиша бор бўлган. Жоҳиллик қанчалик авж олмасин, юртимизнинг ҳар бир масканида ётган азиз-авлиёлар, пиру валиларнинг пок руҳлари мададкор бўлди. Уларнинг борлиги бизнинг балоқазолардан асранишимиз учун қўрғондир. Шеърдаги мана бу мисралар айни шу ҳақиқатни ўзида мужассам этган:

Валилардан
ибрат сўйлар
Жулдур сахролар.
Сўнди қанча
салтанатлар,
Қанча туғролар.
Мақбаралар
айтсин лекин,
Айтсин Зуҳролар:
Ер остидан суҳбат
айлар
Ҳануз Кубролар,
Термизийлар
бедор ётган
Қўрғоним, Ватан.

Қўшиқ — инсон тафаккури меваси. У кўнгилнинг Ҳаққа муножоти, суюкли ёрига етишолмаган ошиқнинг ноласи, дўстидан, диёридан айрилган ўғлоннинг фарёди... Яхши қўшиқ шоир, мусиқачи ва хонанда ҳамкорлигида яратилган - мукаммал санъат асари. Унинг боши-охири, кичик, катта авжлари, тугуни-ечими, тингловчига айтадиган гапи — маъно-мазмуни,

мақсади бўлади. Айни шу омиллар мужассам бўлсагина, қўшиқ кўнгилга етиб боради, уни ижро этувчи элнинг ҳурматини қозонади. Ушбу ҳақиқатни эса кимлар англаб етади, кимлар эса йўқ. Сўз масъулиятини тушуниб-тушунмай қўлига соз олаётганлар айби билан бугун санъат оламида баҳсталаб қўшиқлар пайдо бўлди. Бунинг сабаби, аксарият хонандалар ўзи айтаётган қўшиғини чин дилдан ҳис этмайди, аксинча, шунчаки хиргойи қилади. Сирожиддин Саййид қаламига мансуб "Ватан" номли шеъри қўшиқ тарзида ижро этилганида ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Гарчи мушоҳадалар турфа бўлса-да, хулоса якдил эди: Ватан ҳақида ана шундай ёниб куйламоқ лозим. Она юртни юракдан куйламоқ саодати ҳар кимга ҳам насиб этсин!

Ҳеч эътибор берганмисиз, яхши асарни қўлга олиб ўқий бошласангиз, унда тасвирланган воқеалар кўз ўнгингиздан худди кино тасмасидек ўтаверади. "Ватан" шеърини ҳар гал мутолаа қилганимда ҳам кўнглимдан шундай мулоҳазалар ўтади: Истиқлол даврида яшаб, хуррият инъомини сезмаётганлар орамизда бор. Ана ўшаларга ибрат бўлиши, қорин қадрига йиғлайдиганларнинг кўзлари ғафлат уйқусидан очилиши учун, бундай шеърларни қайта-қайта мутолаа қилмоқ жоиз. Ахир, бу кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ҳаётимизни бугунгидек тинч ва осойишта, элулусни маърифатли кўриш орзусида жабр чекканларни унутмаслик бизнинг бурчимиздир:

Не тонг эди —
изғиринлар
Заҳрини тотдинг.
Дастурхонда
музтар қолди
Қанду наботинг,
Шаҳидларнинг
мунгларидир
Ҳар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли
Адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат,
Қодирий ҳам
Усмоним, Ватан.

Кексаларимиз дуога қўл очганларида, энг аввало, осойишталикни, хотиржамликни тилайдилар. Зотан, эл-юртнинг осойишталиги, озодлиги ҳар нарсадан улуғ. Бу улуғликни қадрлаш эса ҳар бир ватанпарвар инсоннинг фарзига айланмоғи лозим. Ватанпарварлик нафақат ўз юртингни балоқазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш ҳам демакдир.

Яна бир гап. Истиқлол даврида азиз-авлиёларнинг, пири комилларнинг хароб жойлари ободонлаштирилди, зиёратгоҳга айлантирилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний сингари улуғ зотларнинг қадамжоларидаги ўзгаришларни кўриб, мамлакатимизга деярли ҳар куни ташриф буюраётган сайёҳлар ҳайратланмоқдалар. Бу савоб ишлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Зеро, азизлари эъзозланган юртдан қут-барака, файз аримайди. Ватанни мадҳ этган ушбу сатрлар ҳам ана шундай буюк ишларга, кўнгилдаги покиза ниятларга муносиб, деб ўйлаймиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

11-13 май кунлари Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Мингга яқин спортчи қатнашган бу мусобақаларда қирғизистонлик, қозоғистонлик вакиллар ҳам ҳозир бўлдилар. Мамлакатимиз ёшлари команда ва якка ҳисобда ўнлаб олтин медалларни қўлга киритишди.

Суратда: мусобақалардан лавҳалар.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда «Хотира уйғонса гўзалдир» номли тадбир ўтказди.

Унда халқ таълими тизимида фаолият юритган Иккинчи жаҳон уруши ва Афғон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган фахрийлар иштирок этишди. Уларга туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ўқувчилар ижодиёти марказининг ҳаваскор жамоаси томонидан тайёрланган бадиий дастур йиғилганларга манзур бўлди.

Ширмоной АСРАНОВА,
Мирзо Улуғбек туман Маънавият-тарғибот кенгаши услубчиси.

МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг акцияларини ҳарид қилиб мулкдор бўлинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг! Эслатиб ўтамиз!!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари **2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.**

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги "Тижорат банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1-январигача:

— юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

— фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январидан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

"Пахта Банк" акциялари "Тошкент" республика фонд биржасининг "А" тоифадаги расмий листингида бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

Имкониятларни қўлдан бой берманг! Даромадингизни янада кўпайтиринг.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 173-25-51.

«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!

Китобингизни ўқидим

«АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ» ИСТЕЪДОДЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Актёр бўлиш учун туғма қобилият талаб қилинади, дейилади. Лекин ана шу қобилиятнинг ўзигина кифоя қиладими? Йўқ, албатта. Ҳар қандай истеъдоднинг ҳам шаклланиши, муваффақиятга эришувида таълим-тарбиянинг, ўқиб-ўрганишнинг аҳамияти катта. Шу маънода, «Актёрлик маҳорати» ўқув қўлланмаси санъат йўлига қадам қўйган ёшларимиз учун катта ёрдам бўлиши шубҳасиз. Етти бобдан иборат мазкур қўлланма олий санъат ўқув юртлари, санъат лицейлари, коллеж ўқитувчи ва театр студиялари талабалари учун мўлжалланган.

«Маълумки, Маннон Уйғур номидаги санъат институти ташкил этилганига 60 йил тўлган бўлишига қарамай, ҳозирги кунга қадар, институтдаги асосий таълим йўналиши бўлмиш «Актёрлик маҳорати»дан биронбир ўқув қўлланмаси яратилмаган эди. Мустақиллик шарофати билан бу масъулиятли иш менинг зиммамга тушганидан ғоят хурсандман», — деб ёзади муаллиф Жўра Маҳмудов китобнинг кириш қисмида.

Устоз Ж. Маҳмудовни нафақат талабалар, балки барча таниган-билганлар ғайратли, ҳар бир ишга виждонан ва масъулият билан ёндошадиган инсон сифатида билади. «Актёрлик маҳорати» ўқув қўлланмасини ёзишда ҳам устоз ана шу фазилатлар асосида иш тутган. Ҳар бир мавзуга тўхталар экан, муаллиф мисоллардан унумли, ўрнида фойдаланган.

Китоб сўнгида берилган қўшимча машғулотлар ҳам муаллиф таъкидлаганидек, талабаларнинг актёрлик маҳорати дарсининг бошланғич унсурларини пухта эгаллаши, ички ва ташқи ҳаракатларга туртки бўладиган омилларни англаб етиши, психофизик-руҳий ва жисмоний ҳолатни бошқаришга ўз тана аъзоларини ўргатиши ва уларни маълум мақсадларни бажаришга йўналтиришни ўзлаштириб олишига кўмаклашишдан иборат.

Театр — ҳаётнинг саҳнадаги акси, дейди муаллиф. Ўқув қўлланманинг асосий мазмун-моҳиятини ҳам ана шу сўзлар ташкил этади. Умуман, бу ўқув қўлланма фақат санъат соҳасидаги кишилардагина эмас, ҳар бир ўқувчида ўзига хос таассурот қолдириши шубҳасиз.

Жамшед ТОҒАЕВ,
Тошкент давлат санъат институти талабаси.

Тақдир

БОБОМ ВА БИР ТУП ЎРИК

Илгари ҳовлимизда бир туп ўрик дарахти бўларди. Эсимда қолган: болалигимда бобомни ҳол-жонига қўймай довучча тердирардим. Баъзида эса дарахтнинг шиғил довучча қилган шохчасини ўзим синдириб олардим, бобом кўриб қолсалар борми, балога қолардим. Орадан бир неча йиллар ўтди, мен улғайдим, бобом анча кексайиб қолди, ҳовлимиздаги ўрик дарахти ҳам қариди, деярли ҳосилдан қолди.

Бир куни бобомга: «Бобо, ўригимиз энди қариб қолди, мева ҳам бермай қўйди, бекорга савлат тўкиб турганидан нима фойда? Кесиб ташлай қолай», — дедим. Сўзим тугар-тугамас бобом ярқ этиб менга қаради. Бобомнинг ажин босган қорамтир юзлари сутдек оқариб, кўксига тушган оппоқ соқоллари дир-дир титрарди. Ҳатто қойиганда ҳам меҳрли боқувчи кўзларида ёш ялтирарди. Тўғриси, нима қилишимни билмай қолдим. Аввалари бобомни бу аҳволда ҳеч кўрмагандим.

Ўшанда жуда ёмон аҳволга тушиб қолгандим. На узр сўрашимни, на юпатишимни биламан, мунғайиб қолган бобомни олдида анча пайт сукут сақладим. Бу ҳолат ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Бобом кафтлари билан юзидаги ёшни сидириб, ҳазин овозда деди: "Болам, дарахтнинг оёғига сен болта урмасанг ҳам вақт-соати етса, тақдири азалнинг ўзи ўз қўли билан суғуриб олади. Ҳаёт шу экан, ёшинг ўтиб, куч-қувватдан қолсанг, ҳеч кимга керак бўлмай қолар-кансан. Бу ўрикнинг ёши мен билан баробар, мен туғилганимда отам онамга: "Шу кўчатни ҳовлига ўтқазиб қўяман, тўнғичимга тенгдош бўлиб ўсади", — деган экан. Ҳозир ҳам мана шу дарахтга қарасам, отамни кўргандек бўламан, отам урушга кетаётганларида ёш бола эдим.

Отам мени бағрига босиб: "Нортой, болам, энди мен урушдан қайтгунимча оиламиздаги катта эркак сенсан, укаларинг билан онангни ёлғизлатиб қўйма, уларни сенга, сени Худога топширдим", — дедилар.

— Ота, қачон қайтасиз?

— Ўригимиз олтиндек бўлиб пишганида, — жавоб бердилар.

— Ўрик қачон пишади?

— Ҳозир қиш, сўнг баҳор келади, ўригимиз гуллаб довуччалайди, қараб турибсанки, бу ёғи ёз бўлади, шунда ўригимиз ҳам пишади. Кейин мен келаман, биргалашиб саватга терамиз, хўпми, Нортой!

Отам пешонамдан ўпиб, елкамга қоқиб қўйди. Ўшанда отамни сўнгги бор кўраётганимни билмагандим. Неча бор қиш келди, қиш ўтиб баҳор, яна ёз келди, аммо отам келмади.

Отам урушга кетгач, ўригимиз икки бор олтиндек пишди, шу йили қишда эса отамдан қорахат келди. Онамнинг юзлари ўригимиздек сарғайди, икки кўзи йўлга қадалди.

Уруш кезларида ҳар йили ўригимиз довуччалаганида аям бир донасиниям уздирмасди: "Ғўрини еб фойда топармидиларинг, пишса сотаман, нон бўлади, ортса ейсизлар, қишга туршак қиламиз", — деб қойиб берарди.

Йиллар ўтиб отамнинг қайтмаслигини тушундим. Баъзан отамнинг жуда ҳам қадри билинарди, шундай пайтларда ўригимизни қучоқлаб, унга дардимни айтардим. Дарахт тушунгандек силкинарди, шунда таскин топардим.

Ҳаётимда икки бор жуда қаттиқ йиғлаганман: биринчи марта аямни тупроққа қўйишганда, иккинчи бор отам билан аям шу кунларни, яъни мустақилликни кўрмай ўтиб кетганликлари учун ўригимизни қучоқлаб юм-юм кўз ёши тўкканман.

Бу ўрик дарахтидан отамнинг иси келади, унинг мевасини отанг еди, сен единг, энди кексайди... Ҳа, мен билан бирга қариди.

Табиатдаги дов-дарахт, ўт-ўлан, жамики тирик жонзотдан тортиб одамларгача — ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Ҳаётнинг азалий қонуни шундайки, дунёга келганингдан улғайгунингга қадар сени парвариш қиладилар".

Бобомнинг ҳикояларини тинглаб, бемаврид гапларимдан пушаймон бўлдим. Орадан бир йил ўтиб, бобом оламдан ўтди. У кишини ерга қўйган кунимиз кечга бориб қаттиқ шамол турди, кечаси билан тинмаган шамол тонгга яқин ҳовлимиздаги бир туп ўрикни тортқилай-тортқилай қулатди... Тонг отгач, шамол тиниб, ҳаво очилди, ажал бобомнинг қадрдон дўсти, тенгдоши, сирдоши бўлган бир туп ўрикни ҳам ўзи билан бирга олиб кетганди...

Умида НУРМУҲАМЕДОВА.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар. Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ижтимоий-сиёсий газета

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 423. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1934 Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 20.00